O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ- НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

## Халқаро илмий-амалий конференция

# МАТЕРИАЛЛАРИ



19-oktabr 2021-yil

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

# БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИНИНГ ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция**

# МАТЕРИАЛЛАРИ

**19 октябрь**

**Бухоро - 2021**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 31.05.2017й. ПҚ-3022 маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон қарорига мувофиқ **2021-йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”**га бағишланган 2021 йил 19 октябрь куни Бухоро давлат университетида **“Бухоро мусиқа фольклорининг тарихий- назарий ва амалий масалалари”** мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилмоқда.

Анжуманнинг мақсади-миллий, маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, ўзбек мусиқа фольклорини жумладан, Бухоро мавриги ва тароналарини янада ривожлантириш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада оширишни рағбатлантириш, миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, ёшлар онги ва қалбида мустақиллик ғоясига, юқори маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларининг янада чуқур илдиз отиши, эстетик ва маданий эҳтиёжларни таъминлашга йўналтирилган маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмаклашиш, маънан етук, интеллектуал ривожланган ва юқори маданиятли шахсларни тарбиялаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда Республикада ушбу соҳада эришилган илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш.


**Масъул муҳаррир:**

Б.Х.Мадримов – педагогика фанлари номзоди,
профессор.

**Тақризчилар:**

Б.Мустафоев – педагогика фанлари номзоди, доцент
А.Р.Ҳамроев – педагогика фанлари номзоди, доцент


Тўпламга киритилган мақола ва тезислар мазмуни, илмийлиги ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

## ИЛМИЙ АНЖУМАННИНГ ДАСТУРИЙ ҚЎМИТАСИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | О.Х.Хамидов | - | Университет ректори, раис; |
| 2. | О.С.Қаххоров | - | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| 3. | С.С.Азимов | - | Санъатшунослик факультети декани, п.ф.ф.д. (PhD), доцент, аъзо; |
| 4. | Т.И.Ражабов | - | Мусиқа таълими кафедраси мудири, п.ф.ф.д. (PhD) доцент, аъзо; |
| 5. | Б.Х.Мадримов | - | Мусиқа таълими кафедраси профессори, п.фн., аъзо |
| 6. | С.Д.Дўстов | - | Мусиқа таълими кафедраси профессори, п.ф.н., аъзо; |
| 7. | Д.Ю.Рузиев | - | Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси п.ф.н. доцент, аъзо; |
| 8 | У.М.Миршаев | - | Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, котиб; |

## ИЛМИЙ АНЖУМАННИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | О.С. Қаххоров | - | Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис; |
| 2. | С.С.Азимов | - | Санъатшунослик факультети декани, раис ўринбосари; |
| 3. | Т.И.Ражабов | - | Мусиқа таълими кафедраси мудири, п.ф.ф.д. (PhD) аъзо; |
| 4. | Б.Х.Мадримов | - | Мусиқа таълими кафедраси профессори, п.фн., аъзо |
| 5. | Ф.Г.Нуруллаев | - | Мусиқа таълими кафедраси доценти, аъзо |
| 6. | И.А.Қўшаев | - | Мусиқа таълими кафедраси аъзо катта ўқитувчиси, |
| 7. | У.М.Миршаев | - | Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, котиб |
| 8. | Т.Дж.Мухамедов | - | Мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси, аъзо |

4. Ганиева М. Л. Музыкальное искусство Валерия Сапарова // Современные инновации. - 2017. - № 3 (17). - С. 36-38.
5. Каримжанова М. К. Локальные стили узбекского музыкального фольклора // Вестник науки и образования. - 2020. - № 4-2 (82). - С. 38-40.
6. Мулладжанов Д. М. Традиционное наследие и его отражение в узбекской музыкальной эстраде // Социально-культурная деятельность: векторы исследовательских и практических перспектив : Матер. междунар. науч.-практ. конф. - Казань : ИПК «Бриг», 2018. - С. 398-402.
7. Садыкова З. С. О роли эстрадного исполнительства на фортепьяно в становлении и развитии музыкального искусства Узбекистана // Наука, образование и культура. - 2018. - № 1 (25). - С. 92-94.
8. Седых Т. Т. Узбекский фольклор и этноджаз в династии Юнуса Раджаби // Творчество в объективе научных исследований: сб. матер. V Междунар. науч.-практ. конф. – Белгород : БГИИК, 2020. - С. 312-316.
9. Tendera P. Selected philosophical and cultural problems associated with World Music and Sound Art – aninquiry about ideological relationships. The Polich Journal of the Arts and Culture. New Series 7. 2018. N. 1: 139-157.

## ХАЛҚ МУСИҚА МЕРОСИ МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ АСОСИ СИФАТИДА.

**Т.И.Ражабов – БухДУ Мусиқа таълими кафедраси мудири, п.ф.ф.д. (PhD)**

Мақолада умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари мусиқа дарсларида болалар фольклор қўшиқларини ўргатиш бўйича фикр юритилган. Унда миллий мусиқий таълимнинг ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён ўтган даврда жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маданий – маърифий ҳамда таълим соҳасида ўлкан ижобий ўзгаришларга эришилди. Аҳоли маънавиятини юксалтириш, кишиларда айниқса ўсиб келаётган ёш авлод тафаккурини миллий негизда шакллантириш, уларни миллий онг, ғоя, мафкура руҳида тарбиялашда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди ва бу сиёсат ҳозирги кунда ҳам изчил тарзда давом эттирилаётгани диққатга моликдир. Мазкур сиёсатнинг исботи, бой миллий маданий меросни қайта тиклаш, жамият маданий ҳаётини ривожлантириш, келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларни маънавий – ахлоқий жиҳатдан камолга етказишда унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлида кенг кўламли амалий ишларни олиб борилаётганлиги яққол акс этмоқда.

Мустақиллик йилларида таълимни миллий асосларда қайта ташкил қилиш ва ривожлантириш йўлида қилинган ишлардан яна бири жамият ҳаётининг барча йўналишларида бўлганидек узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида мавжуд бўлган мусиқа таълими мазмуни миллий мусиқий мерос тўғрисидаги маълумотлар ва асарлар билан бойитилди. Бу ҳолатни таълим тизимининг энг муҳим шакллантирувчи босқичи бўлган умумий ўрта таълим мактаблари “мусиқа маданияти” фани учун ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури, шу асосда яратилган дарсликлар мисолида яққол кўриш мумкин. Натижада ўсиб келаётган ёш авлод миллий мусиқа тарихи, унинг

ривожланиш босқичлари, ўзига хос миллилийлик хусусиятлари, услублари, анъаналари, шунингдек, миллий мусиқа санъати ривожига ўлкан ҳисса қўшган ижодкорлар фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Миллий мусиқий мерос наъмуналари ва уларда илгари сурилган ғояларнинг жамият тараққиёти ҳамда шахс маънавий камолотидаги аҳамиятга баҳо берар эканмиз, "Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди ва моддий қийинчилгу кунларида иродасини мустаҳкамлайди" Бугунги кунда мамлакатимизда таълимни сифат ва самарадорлигини янги босқичда давом эттириш, унинг мазмуни ва моҳияти кўламини янада кенгайтириш ва узлуксиз такомиллаштириш борасидаги иштимоий буюртма таълим муассасалари зиммасига муайян вазифаларни юкламоқда. Ана шундай вазифалардан бири ёш авлод маданий – маънавий ва эстетик тарбиясида миллий мусиқий меросдан янада унумли фойдаланиш, умуминсоний ғоялар билан суғорилган, ўз мазмунида халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, руҳиятини ифода этувчи асарларга эътиборни кучайтиришдан иборат. Бу эса ўз – ўзидан халқ мусиқа меросида ўлкан мавқега эга бўлган фольклор мусиқаси мазмунини чуқур ўрганиш, уларнинг имкониятларидан таълим – тарбия мақсадларида кенг фойдаланиш, ўқувчи – ёшларни уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижрочилик анъаналари, услублари билан ҳар тамонлама чуқур таништириб бориш ва ниҳоят уларни ижро этиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришни тақазо этади. Шу сабабли ўзбек халқ мусиқа фольклори, мусиқа санъати, улардан таълим – тарбиявий мақсадларда фойдаланиш борасидаги ишларни, республикамизда олиб борилган илмий – тадқиқотларни шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларида халқ мусиқа мероси намуналарини ўрганиш борасидаги ҳолатни ўрганиш ва таҳлиллар халқ мусиқа фольклори мероси таркибида ўзига хос ўрин тутувчи болалар фольклор қўшиқлари ва уни умумий ўрта таълим мактабларида ўрганиш услубларини илмий тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд. Чунки, халқ мусиқа фольклори билан боғлиқ илмий тадқиқотлар ўз навбатида болалар фольклор ва улардан таълим тизимида фойдаланишнинг назарий, амалий, илмий – услубий ва дидактик асослари махсус ўрганилмаган ва бугунги кунда умумтаълим мактаблари мусиқа таълимида болалар фольклор қўшиқларини ўрганиш, шу орқали ўқувчиларни ғоявий, бадиий, маънавий ва эстетик тарбиялаш масаласи мусиқа педагогикасида тадқиқ этилиши зарур.

Бироқ, назарий таҳлил ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятини ўрганиш, "мусиқа маданияти" фанини ўқитиш жараёнида болалар фольклор намуналаридан фойдаланиш ва уларни ўрганиш борасида муайян камчиликлар мавжуд. Бу ҳолат умумтаълим мактаблари мусиқа фани дастур ва дарсликларида болалар фольклор қўшиқларига етарлича ўрин берилмаганлигида, шунингдек, ўзбек болалар фольклор қўшиқлари, уларни ижрочилик анъаналари ва шакллари ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олувчи манбалар билан таъминламаганлиги ва болалар фольклор қўшиқлари билан ишлашнинг махсус методик тизими ишлаб чиқилмаганлиги намоён бўлмоқда. Халқ мусиқа мероси миллий мусиқий таълимнинг асоси сифатида деб номланган мақола мавзусининг муаммосига оид илмий, услубий манбаларни ўрганиш, таҳлил қилишда қуйидагиларни жойиз деб билдик.

1. Мактаб мусиқа таълимида болалар фольклор қўшиқларини ўрганиш ҳолатини,ўрганиш мавжуд муаммолари сабабларини аниқлаш;

2. Мактаб мусиқа таълимида болалар фольклор қўшиқларини ўрганиш жараёнини самарадорлигини таъминлаш имкони берувчи шакл, услуб ва воситаларини аниқлаш;

3. Соҳа мутахассислари, педагог олимлар ва методист – ўқитувчилар билан суҳбат ўтказиш;

4. Болалар фольклор қўшиқларини тарбиявий таъсирчанлик хусусиятларига кўра уларни танлашга қўйиладиган педагогик талаблар мазмунини ишлаб чиқиш ва асослаш;

5. Болалар фольклор қўшиқларини ўрганиш жараёнини ташкил этишда юқори самарадорликка эришиш;

Мусиқа таълимида болалар фольклор қўшиқларини ўрганиш машғулотларни педагогик, методик жиҳатдан тўғри режалаштириш, бу жараёнда фольклор намуналарини танлаш ва синфлар кесимида аниқ репертуар дастури ишлаб чиқилса ўқувчилар халқ мусиқа меросига барқарор қизиқишлари, назарий билим, амалий ижрочилик кўникма ва малакалари ривожланади, мусиқий таълим мазмуни бойитилади.

Энг муҳими назарий аҳамияти мусиқа педагогикаси ўзбек миллий мусиқа меросида ўзига хос аҳамиятга молик болалар фольклор қўшиқларини таълим жараёнига тадбиқ этиш имкониятларини кенгайтириш, уларни ўрганиш жараёнини самарали ташкил этиш, шу орқали мусиқий таълим – тарбия ишлари мазмуни самарали методик ёндашувлар орқали бойитилганлиги мусиқа дарсларида халқ мусиқа мероси намуналарини ўрганишда қўшиқ, айтимларни ғоявий мазмуни ва унга мос оҳанг тузилишини англаш, сезиш, идрок қилиш, матн ва оҳанг жарангдорлигини, қўшиқ ўрганилгандан сўнгги бадиий ижрода миллийликка хос нола, қочирим, авжларни ҳис қилиш, ҳар бир воҳага хос услубларга тегишли нозик жиҳатларни ифода этиш миллий мусиқий асарларни ўрганишга бўлган педагогик талаб ва вазифаларини белгиловчи мезонлари сифатида мусиқий таълимнинг сифат ва самарадорлигини кафолатлайди.

**Адабиётлар**

1.Ш.М.Мирзиёевнинг марузасидан Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасининг 2017 йил 4-августда 32 -4431-сонида чоп этилган.

2. Қодиров Р.Ғ. Мусиқа психологияси. – Тошкент, Ўқитувчи, 2005 й.

3. Соипова Д.Ю. Шахсни шакллантиришнинг педагогик-психологик асослари. «Замонавий шароитда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришнинг асосий йўналишлари», илмий методик мақолалар тўплами. – Тошкент, 2005 й. 3-қисм.

4. Ражабов Т. И. Тематическая классификация узбекской детской народной музыки и игр //Наука, образование и культура. – 2020. – №. 3. – С. 61-63.

5. Ражабов Т. И., Ибодов У. Р. Обеспечение национального наследия в обучении песням бухарского детского фольклора на уроках музыки //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 21-2 (99).

6. Ражабов Т. И. Педагогические возможности использования детских фольклорных песен в духовно-нравственном воспитании младших школьников //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 5-2 (83).

## МУНДАРИЖА


| | |
|---|---|
| **Хамидов О.Х.** Миллий меросимиз ва Бухоро мусиқа фольклори | 4 |
| **О.С.Қаҳҳоров.** Ўқувчиларга ўзбек мусиқа фольклорини ўргатишнинг инновацион усуллари | 5 |
| **С.Қ.Қаҳҳоров.** Номоддий маданий меросимизда халқ мусиқа ижодининг ўрни | 7 |
| **1-ШЎЪБА. МИЛЛИЙ МЕРОС МАЗМУНИДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАРАҚҚИЁТИ** | |
| **Мадримов Б.Х.** Ўқувчиларни миллий мерос мазмунида тарбиялашда маданият ва санъатнинг аҳамияти | 9 |
| **Сафаралиев Б.С.** Страницы истории благотворительной деятельности творческой интеллигенции россии в Средней Азии | 12 |
| **Раимжонов С.Ў.** Эстетик маданиятни ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти | 19 |
| **Ткачук И. Б.** Духовно-нравственные основы воспитания молодежи | 21 |
| **U.M.Mirshaev**. Musiqa orqali milliy ma’naviyatimiz tarixini o’rganish | 25 |
| **А.А.Ережепов**. Қарақалпақ бақсышылық мектеплериниң қәлиплесип раўажланыў тарийхы | 28 |
| **А.Хидиров.** Талабаларга мақомларни ўргатишнинг назарий ва амалий масалалари | 30 |
| **G.Istamova**. Xorazm dutor maqomlarining kelib chiqish tarixi | 32 |
| **R.E.Otamurodov.** O’zbek musiqa merosiga bir nazar | 36 |
| **N.K. Nurullayeva, Do`stov S.D.** O`zbek xalq qo`shiqlarining tarixiy taraqqiyoti | 38 |
| **Ismoilova M.E.** Milliy musiqa san’atimiz rivojida maqomlarning o`rni | 41 |
| **2-ШЎЪБА. БУХОРО МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИ БОРАСИДАГИ ЁНДАШУВЛАРДА МУАММО ВА ЕЧИМЛАР** | |
| **Б. Мустафоев.** Бухоро мусиқа фольклори - маънавий тарбиянинг муҳим воситаси | 44 |
| **Соковиков С. С.** Этноджаз в музыкальной культуре Узбекистана: синтез традиции и современности | 46 |
| **Т.И.Ражабов.** Халқ мусиқа мероси миллий мусиқий таълимнинг асоси сифатида | 50 |
| **Мартынова Н. Э.** К проблеме сценического воплощения фольклорного материала: соотношение музыки и танца в русском песенно-хореографическом фольклоре | 53 |
| **D.Y.Ro’ziyev.** O’yin-qo’shiqlarning tarbiyaviy ahamiyati | 58 |
| ***Ражабов А.*** Бухоро мусиқа фольклорининг бугунги кундаги аҳамияти | 61 |
| ***Ҳасанов Ҳ.Р.*** Ёшларни маънавий-аҳлоқий руҳда тарбиялашда,халқ педагогикасининг тарбия усулларидан фойдаланиш | 64 |
| **Қурбонова Моҳигул Шониёзовна**. Болаларнинг мусиқани бадиий ҳис этишларида фольклор жанрининг имкониятлари *(1-синф болалари мисолида)* | 65 |
| **Muratova D.O’**. Buxoro folklor qo‘shiqlarini o‘rgatishning pedagogik asoslari | 67 |
| **3-ШЎЪБА. ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ** | |
| **Дубских Т. М.** Танцевальная культура народов Челябинской области в | 70 |